
Байрам арафасида меҳнат фахрийларига байрам совғалари топширилди

*"Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз" дея аталмиш бош ғоя остида нишонланаётган мустақиллигимизнинг 31 йиллик байрами арафасида туманимиздаги меҳнат фахрийлари ҳолидан хабар олиниб, байрам табриги ва тухфалари етказилди. *Туман ҳокимлиги ташаббуси билан ташкил этилган эзгу тадбир доирасида узоқ йиллар давомида туманимизнинг турли соҳаларида самарали меҳнат қилиб, бугун оила даврасида кексалик гаштини сўраётган нуронийлар, кайвони онахонлар йўқланди. *Туман ҳокими, сектор раҳбарлари, ҳоким ўринбосарлари ҳамда маҳалла ва нуронийларни қўллаб-қувватлаш бўлими вакиллари фахрий кексаларимиз хонадонларида бўлиб, уларга Фарғона вилояти ҳокими Хайрулло Бозоров ҳамда туман ҳокимининг энг улуғ, энг азиз байрам муносабати билан йўлланган байрам табриклари, эсдалик совғалари ва озиқ-овқат маҳсулотларини манзилли тарзда етказишди.*Ширин дийдор ва дилдан суҳбатларда барча фахрийларнинг туманимизни ҳар жабҳадаги ривожига, ёш авлоднинг муносиб тарбиясидаги муҳим ҳиссаси яна бир бор эътироф этилиб, барча фидоий хизматлари учун уларга миннатдорчиликлар билдирилди.

2022-08-31 08:53:39